
Қорақум маҳалласида жойлашган оилавий шифокорлик пункти биноси янгитдан қурилмоқда

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳудудларда, айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида жойларда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан тумандаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган оилавий шифокорлик пункти биноси таъмирталаблиги сабабли ҳудуд аҳолисига бир қатор ноқулайликлар келтириб чиқараётганли ҳақли этирозларга сабаб бўлаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабр кунги ПҚ-465-сонли қарорига асосан мазкур муассаса учун янгитдан 2 қаватли бино қуриб битказилмоқда. Ҳозирда ушбу бинода ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

2023-05-04 20:26:15